



20 20 у « 5 » ноябрь

№ К-612

« \_\_\_ » \_\_\_\_\_ 20\_\_ г

**Термиз тумани “Каттақум” массиви “Учқизил” маҳалласи худудидан “Asl Asliyat” хусусий корхонасига “Иссиқхона” қуриш учун ер майдони ажратиш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 5-моддасига ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасида боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2019 йил 20 мартдаги 4246-сон қарорига асосан, вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссиянинг 2020 йил 05 октябрдаги 05-02/704-сон йиғилиш баёни ва Термиз туман ҳокимининг 2020 йил 17 сентябрдаги 01-08/340-сон хатини кўриб чиқиб,

**Қ А Р О Р    Қ И Л А М А Н :**

1. Вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссиянинг 2020 йил 05 октябрдаги 05-02/704-сон йиғилиш баёни тасдиқлансин.

2. Термиз тумани “Каттақум” массиви “Учқизил” маҳалласи худудидан “Asl Asliyat” хусусий корхонасига қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш мақсадида туман ҳокимлиги захира ер фондидан қишлоқ хўжалик харитасининг 10қ-дала контуридаги 0,70 гектар яйлов ер майдонида “Иссиқхона” қуриш учун вақтинча (10 йил) муддатга фойдаланиш ҳуқуқи билан ажратилсин.

3. “Asl Asliyat” хусусий корхонаси бошлиғи Э.Примовга:  
иссиқхона учун ажратилаётган ер майдонидан фақат иссиқхона қуриш учун фойдаланиши;

етиштирган маҳсулотларни экспорт қилиши;  
мақсадсиз фойдаланилганда ёки бир йил мобайнида фойдаланилмаганида ажратилаётган ер майдони туман ҳокимлиги захирасига қайтариб олинishi кўрсатиб ўтилсин.

4. Вилоят ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси (А.Ғаниев) ва Термиз тумани ҳокимлиги (Ш.Уринов) ер майдони ажратилиши муносабати билан туман ер ҳисоботига тегишли ўзгартириш киритишни таъминласин.

5. Мазкур қарор бир кун муддатда вилоят ҳокимлигининг расмий веб-сайтида (surxondaryo.uz) эълон қилинсин.

6. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш вилоят ҳокимининг ўринбосарлари У.Турапов ва А.Орипов зиммасига юклансин.

Вилоят ҳокими



Т.Боболов